



5 у.р. "18" апрел

№ 518-К Самарқанд т-р Самарқанд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида
фуқаро Мирзаев Илхом Маматовичга савдо дўкони қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Мирзаев Илхом Маматович туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Мирзаев Илхом Маматовичга “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан савдо дўкони қуриш учун 200 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мирзаев Илхом Маматовичга савдо дўкони қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров